



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 11-yanvar. Seshanba 5 (31.281) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Фармон ва ижро

Биометрик паспорт афзалликлари ва уни жорий этиш

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ мамлакатимизда 2015 йилнинг охиригача паспортлаштиришнинг биометрик тизимига тўлиқ ўтилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори Абдусаттор МАТКАРИМОВ ўза мухбирга умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган ушбу тизимнинг афзалликлари, янги ҳужжатларни расмийлаштириш ва янги паспорт бериш жараёни қандай тартибда амалга оширилиши ҳақида сўзлаб берди.

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти — бу мамлакатимиз ҳудудиди ва ташқарисиди унинг эгасининг фуқаролиги ва шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади, — дейди А.Маткаримов. — Ҳар бир инсон учун бундай паспортга эга бўлиш ва мустақил Ватанининг фуқароси ҳисобланиш катта шарафдир. Ушбу ҳужжат фуқаронинг ўз мамлакати, халқи тақдирига дахлдорлигининг рамзий ифодаси бўлиб, у давлат ҳимоясида эканини кафолатлайди ва зиммасига Ўзбекистон Республикаси фуқароси деган юксак номга муносиб бўлишдек улкан масъулият юклайди.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади ва ўзининг барча халқаро мажбуриятларига риоя қилиб келмоқда. 1944 йилда қабул қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги резолюциясига мувофиқ ушбу ташкилот таркибига кирувчи давлатларга эгаларининг шахсий биометрик пара-

метрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида ахборот жамланган электрон чип ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар жорий этилишини таъминлаш тавсия этилган.


— Биометрик паспортларни жорий қилишдан қандай мақсадлар кўзланган?

— Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш, ушбу транспорт тури хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун имкон қадар қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилмоқда.

Айни пайтда юздан ортиқ мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

(Давоми 2-бетда.)

Ватан ҳимояси — олий шараф!



Аскарлик бурчи

Юрт тинчлиги, ободлиги, фаровонлиги унинг мудофаа қудратига, Ватан ҳимоячиси бўлган ҳарбийларнинг бурчга садоқатига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришганимиздан сўнг мудофаа тизимидаги ислохотлар устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Қуролли Кучлар замонвий аслаҳа ва анжомлар билан таъминланди, шартнома бўйича ҳарбий хизмат жорий этилди. Энг муҳими, миллий ғоя армияда хизмат қилаётганларнинг эътиқодига айланди. Шарқий ҳарбий округ десант ҳарбий қисмларидан бирида бўлганимизда, ана шу ислохотлар қандай самара бераётгани билан қизиқдик.

Капитан Жамшид Расулов ўзига ишонган жасур офицерлардан. У Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кумдонлиқ мухандислик билим юртида таҳсил олган.

Ўзига талабчанлик билан ёндашиб, назарий билимларини машғулот майдонларида синовдан ўтказди. Кўп ўқиди, изланди. Мана, бугун ёш бўлишига қарамай,

«Энг илғор мутахассис» кўриқтановининг республика босқичида «Энг илғор батальон командирлари» номинацияси бўйича ғолиб чиқди. 2010 йил Жамшид Расулов оиласи учун қувончли келди. Жамшидга ҳарбий хизматчилар учун қурилган иморатдан уч хонали уй беришди.

— Мен Ватан ҳимоячиси эканимдан фахрланаман, — дейди Жамшид. — Бор куч ва билимимни Юрт ҳимояси, эл-улус тинчлиги йўлида сарфлайман.

— Ўзим Жиззах вилоятиданман, — дейди оддий аскар Азиз Маҳмудов. — Ёшлигимдан аскар бўлишни орзу қилар эдим. Бу ерга келгач, жисмонан чиникдим, командирларимдан таълим олдим. Армия мени ҳар жиҳатдан

тарбиялади. Дўстлар орттирдим. Хизматдошларим — бухоролик Санжар Ҳаққиев, тошкентлик Баҳром Собирхўжаев билан бирга, ҳарбий олий ўқув юртига кириб ўқишга аҳд қилдик.

Ҳарбий қисмда аскарлар учун ҳамма шароит муҳайё. Компьютерлаштирилган тренажерда аскар ва офицерлар билим ва малакасини оширишади. Бой захирага эга кутубхонада адабиёт ва маънавият дурдоналари билан танишиш мумкин. Спорт залини кўриб, ҳавасингиз келади. Тренажерлар, волейбол, баскетбол, гимнастика заллари, спорт турлари бўйича доимий машғулот гуруҳлари ишлаб турибди.

⇒ 3

Эътироф

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш келгусида мамлакат ривожини йўлида, шубҳасиз, ишончли стратегия ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари учун жорий этилган барча зарурий ҳужжатларни қўлга киритиш ва уларни ўша ернинг ўзида битта манбага асосан келишиб олиш имконини берувчи «ягона ойна» тизим ушбу соҳани такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Чунки, ушбу савий-ҳаракатлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни истовчи ҳар бир инсон учун ўзининг бўш вақтини кўпроқ ишлаб чиқаришга оид масалаларни ҳал этиш учун бағишлашига шароит яратди.

Шуни ҳисобга олганда, Ўзбекистонда бүгунги кунгача, ҳаттоки ривожланган мамлакатларда ҳозир ҳам амалда қўлланилаётган ўша машоққатли тизим босиб ўтилган. Айнан ўша мамлакатларда хусусий тадбиркорлик барча зарурий ҳужжатларга эга бўлиш ва мувофиқлаштириб олиш ишлари билан боғлиқ бўлган қўллаб-қувватлашни қабул қила оладиган малакали инсон ресурслари ва қимматбаҳо янги технологиялар чекланган эди.

Хидеомии ТЕРАНИШИ, «Mitsui & Co.Ltd.» компанияси бош менежери ўринбосари

Ғамхўрлик

Хўжайлида «Президент арчаси»

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйида «Президент арчаси» тантаналари ташкил этилди.

Унда Хўжайли тумани ҳокими Валижон Раимов, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори вазифасини бажарувчи Жиянбой Нормибеков, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуровлар иштирок этиб, тарбияланувчиларга Президент совғаларини топширишди.

Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган жажжи ўғил-қизларимиз киши таътилни мазмунли ўтказмоқда. Нукусдаги ўлкашунослик, санъат музейларига, тарихий ёдгорликларга экскурсия уюштирилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Ҳалокат устида қурилаётган иншоот

Тожикистонда қурилаётган Роғун ГЭСи нафақат Марказий Осиё, балки дунё табиатига ҳам ҳалокатли таъсир этиши мумкин.

Аввало, шуни айтиш керакки, ушбу лойиҳа бошдан оқибатга қилинмагани, аниқ иқтисодий ҳисоб-китоб қилинмагани бугун дунёнинг кўплаб экспертлари таъкидлашмоқда. Ҳали қурилиши бошланган шўро давридаёқ унинг барча блоклари ишга тушганда ҳам мамлакатда электр энергияси муаммоси ҳал қилинмаслиги маълум эди. Мазкур ГЭСни қуриш учун дастлаб 800 миллион АҚШ доллари талаб қилинган бўлса, тўла қувват билан ишлашига яна 500 миллион доллар зарур бўлади. Агар платина кўтариладиган бўлса, электр станцияни ишлатувчи ҳовузни айланттириш учун 4 йил давомида унга сув тўплаш керак. Натижада Хатлон вилоятининг иқлими тубдан ўзгаради, ғарбий ва марказий туманларда экологик ва ижтимоий ҳаёт буткул издан чиқади...

⇒ 3

Диққат, танлов!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2010»

танловига марҳамат!

Хурматли ҳамкасблар!

Ҳаётимиз китобидан яна бир саҳифа орда қолди. 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди. Юртимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгиллаш, иқтисодий ва маданий модернизация қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшларни жисмонан ва маънавий раҳбарлик билан ва касбага эга бўлган замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва савий-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танловига қатнашишга таклиф этади. Танловга 2010 йилнинг 1 июнидан 2011 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида

эълон қилинган материаллар, эфирга узатишган телекўрсатув ва радиокўрсатувлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танлови ғолиблари ва совридорларига динлом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланиб 27 июнда ўтказилган байрам талбирлари топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. Телефонлар: 244-64-62; 244-37-87. 244-64-62; 244-37-87.

E-mail: ljod@sarkor.uz

Танқиддан сўнг...

Беғамлик оқибати қимматга тушади

⇒ 2

Тадбир

Солиққа оид кўргазмали семинар

⇒ 3

XV Осиё чемпионати:

Илк ўйин, илк ғалаба



⇒ 4

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 11 YANVARDAN BOшлаб ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1636,79	1 Миср фунти	283,48	1 СДР	2506,80	10 Жанубий Корея вони	14,67
1 Англия фунт стерлинги	2554,39	1 Канада доллари	1654,45	1 Туркия лираси	1045,71	10 Япония иенаси	197,91
1 БАА дирҳами	447,58	1 Хитой юани	247,88	1 Швейцария франки	1704,19	1 Россия рубли	54,16
1 АҚШ доллари	1643,86	1 Малайзия рингити	535,81	1 Евро	2172,21	1 Украина гривнаси	206,54

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Биометрик паспорт афзалликлари ва уни жорий этиш

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ИКАО аъзоси бўлган мамлакатимизда Президентнинг Ислам Каримовнинг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ халқаро стандарт ва талабларга жавоб берадиган бундай ҳужжатларни жорий этиш борасида тизимли ҳамда изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳара-

катлиниш ҳужжати тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Уларда биометрик паспорт ва ҳужжатларни бериш билан боғлиқ барча жараёнлар кўзда тутилган.

— **Биометрик паспортнинг амалдаги паспортдан фарқи нимада?**

— Биометрик паспорт одатдаги барча маълумотлардан ташқари, унинг асосида биометрик параметрларни ўз ичига олган электрон ахборотга эга бўлади. Бундай чипга уч турдаги ҳужжат — Ўзбекистон Республикасида фуқаросининг биометрик параметрлари, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатлиниш ҳужжати эга бўлиши белгиланди. Халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган уч турдаги ушбу электрон ҳужжатларнинг асосий ху-

сусиятлари шундан иборатки, улар юқори даражада ҳимояланган бўлиб, чегарадан ўтишда улардан фойдаланиш қўлайдир. Уларни қўллаш эса Ўзбекистон Республикасида фуқаросининг биометрик параметрларини, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатлиниш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибининг янада такомиллаштиришга қўмақлашади.

— **Амалдаги паспортларни биометрик паспортларга алмаштириш қандай мuddатларда амалга оширилади?**

— Паспортлар икки босқичда алмаштирилади. Биринчи босқич — 2011 йил мобайнида биометрик паспорт мамлакатимиз вазириликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдга жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра пас-

порт олаётган фуқароларга, 2012-2015 йилгача бўлган иккинчи босқичда эса қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига берилади.

— **Давлат персоналлаштириш марказининг вазифалари нималардан иборат?**

— Марказ давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган фармонида мувофиқ биометрик паспортларни марказлаштирилган ҳолда тайёрлаш, уларни ҳисобга олиш ва бундай ҳужжат билан фуқароларни ўз вақтида таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини тўғрисидаги Низомда қайд этилганидек, персоналлаштириш — бу паспорт бланкига унинг эгаси ҳақидаги биографик маълумотларни ва биометрик параметрларни киритиш демакдир. Марказимиз уч турдаги электрон ҳужжат — Ўзбекистон Республи-

каси фуқаросининг паспорти, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатлиниш ҳужжатларини персоналлаштирилади.

Янги паспорт ва ҳаракатлиниш ҳужжатларининг бланкалари «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш биометрик параметрлари билан биометрик параметрларни расмийлаштириш бўлимида топширилади. Яна бир бор таъкидлаш жоизки, биометрик паспорт мамлакатимизда белгиланган тартибда босқичма-босқич жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти эса 2015 йил охиригача ҳақиқий ҳисобланади.

ЎА мухбири А.ИВАНОВА эзиб олди.

«Истиқбол» — ЎЗХДП ёшлар қаноти

Сиёсий ва ҳуқуқий билими юксак ёшлар демократик жараёнларда фаол иштирок этади

■ ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент вилоят бўлими қошидаги «Ёш сиёсатчилар» клубининг минтақавий машғулоти бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан ёшлар қаноти етакчилари, клуб аъзолари ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Чирчиқ шаҳридаги машғулота аъзолар дастлаб клуб фаолиятини такомиллаштиришнинг самарали усуллари ҳақида фикр алмашишди. Клубга изланувчи ва қобилиятли ёшларни кўпроқ жалб этиш учун таъсирчан воситаларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар билдирилди.

— Фаол ёшлар сафини кенгайтириш мақсадида тадбирларни ноанъанавий шаклда ташкил этишга ҳаракат қилаемиз, — деди ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент вилоят бўлими етакчиси Маъмура Эргашева. — Шу тариқа ёшларнинг дунёқарашини ўрганиш ва уларда эркин фикр билдириш кўникмасини ривожлантиришга эътибор қаратамиз. Клуб машғулотларида умумий мавзулар билан чекланиб қолмай, ёшларни ўйлантираётган аниқ масалалар муҳокамасига кенг ўрин ажратамиз. Бу усул, бир томондан, ёшларни фикрлашга ундаса, иккинчи томондан, долзарб муаммоларни ҳал этишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлайди.

Олмалиқ шаҳрида ташкил этилган машғулота «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмун-моҳиятини ўрганишга эътибор қаратилади.

— Концепцияда жамият бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган эзгу гоя ва фикрларни, айниқса, биз ёшлар чуқур ўрганишимиз керак, — деди клуб аъзоси Тўхтамурод Шомуродов. — Нимага десангиз, Концепцияда таклиф этилган қатор қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш, ҳаётга татбиқ қилишда барча фуқаролардан фаоллик талаб этилиши маълум. Клуб аъзолари Концепция мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг ўрганиш бўйича ранг-баранг фикрлар билдиришмоқда, улар умумлаштирилади ва шу асосда «Ёш сиёсатчилар» клубининг режалари ишлаб чиқилади.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази илмий ходими Ойбек Султонов ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан фикр билдирди.

— Ҳар бир аъзо ОАВ, хусусан, партиялар матбуотини ўқиб бориши лозим, — дея таъкидлади у. — Клуб машғулотларида долзарб мавзуларни таҳлилий ўрганиш кўникмасини шакллантириш зарур, дед ўйлайман.

Клуб аъзоси Инобат Пардахўжаева клуб ишини ривожлантириш учун, аввало, машғулотлар режасини аниқ ишлаб чиқиш ҳақида гапирди:

— Ёшлар клубга аъзо бўлиш орқали ўзларини ўйлантираётган муаммоларни ўз ташаббуслари орқали ҳал қилиш мумкинлигини тўғри тушуниши керак. Клуб аъзоллигига ёшларни жалб этишда мана шу жиҳатга алоҳида ургу бериш зарур. Бунинг учун клуб машғулотларида илгор ижтимоий институтлардан мутахассисларни доимий таклиф қилиш жоиз. Менимча, биз ана шу йўл билан яратилаётган имкониятлардан умумчи фойдаланиш гоёсини аъзоларимизга етарлича тушутирамиз.

Янгийўл туманида ташкил этилган машғулота касб-хунар коллежлари битирувчиларини хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш масаласи атрофида ўрганиб чиқилди.

Дастлаб Янгийўл шаҳридаги тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазмада, айниқса, касаначи ва қандоқчилик тайёрлаган маҳсулотлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шу ернинг ўзиде маҳаллий тадбиркорлар хунаранд бўлишни ҳавас қилган, ўз ишини ташкил қилмоқчи бўлган ёшларга керакли маслаҳат беришди.

«Агробанк» ОАТБ Янгийўл шаҳар бўлими бошқарув раиси ўринбосари Дониёр Шаханов ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қонунчиликда белгиланган меъёлар, кичик бизнес субъектларига ажратилаётган кредит турлари ҳамда уларнинг фойз ставкалари тўғрисида атрофлича маълумот берди.

Вилоятда хусусий тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган корхона-ташкilot ва қўшма корхоналардан мутахассислар жалб этилгани машғулотнинг янада жонли, савол-жавобларга бой ўтишида асосий омил бўлди. Натижада ёшлар вилоятда тадбиркорликнинг қайси турлари билан шуғулланиш афзаллиги, корхоналарнинг тажрибаси ҳақида керакли маълумотга эга бўлишди.

Машғулота клуб аъзолари, шунингдек, «Сиёсатчи ким?», «Ёш сиёсатчилар» клуби фаолиятини янада кўчатириш борасида сизнинг таклифларингиз», «Клуб аъзосининг вазифалари» каби қатор мавзулар бўйича фикр алмашиб, шу асосда навбатдаги вазифаларни белгилаб оlishди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДП сиёсий ва фуқаролик маърифати

Муқобил лойиҳалар зарур

■ Президент Ислам Каримов «Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурган гоялар ва қонунчилик ташаббуслари давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, сайлов тизими, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилишга қаратилган муҳим ҳужжатдир. Ана шу жараёнда партияимиз, унинг ҳар бир аъзосининг вазифаси нималардан иборат бўлмоғи керак?

Замира БЕКЧАНОВА,
Хонка туман ҳокими ўринбосари,
хотин-қизлар кўмитаси раиси, ЎЗХДП
фаоли:

— Концепцияда белгиланган тамойилларни, аввало, ҳар бир партия аъзоси чуқур ўрганиб, кенг тарғиб этиши керак. Ана шунда белгиланган вазифалар ижросида жамоатчилик иштироки кучаяди. Юртимизнинг бугуни ва эртасини белгилайдиган ҳуқуқий лойиҳалар — қонунлар қабул қилиниши жараёнига қатор ким бефарқ қараши мумкин эмас. Бу — барчамизга дахлдор. Бугун биргина коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида қатор муаммолар бор. Истеъмолчи ва таъминотчи ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга эҳтиёж кучаймоқда. Шундай экан, бу борада янги қонун қабул қилиш вақти етди.

Зокиржон ХОЛМАТОВ,
ЎЗХДП Марказий Кенгаши бўлим
муdiri:

— Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ кўрсаткич белгиланган дастур қабул қилинган. Агар унинг

ижросини таъминлаш учун курашмасак, депутатларимиз ва партия кенгашлари етакчилари фаол, ташаббускор бўлмаска, қуруқ ҳужжат қабул қилиш билан бирон-бир натижага эришиб бўлмайди. Дастур ижросини ҳар бир ҳудуд бўйича таҳлил қилишимиз ва бу масалани маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамаларига олиб чиқишимиз керак. Шундагина ишнинг биз кутган натижаси бўлади. Депутатлар ҳамон «хулаб ётган» раҳбарларни селга тортириши, керак бўлса, ўзига керак олишига таъсир кўрсатиши керак.

Олтибой РАЖАБОВ,
Қўшқўпир туманидаги «Бунёд» хусусий фирмаси бошқарувчиси ўринбосари,
вилоят Кенгаши депутати:

— Концепция ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда янги даврни бошлаб беради. Унинг ижроси изчил таъминланиши катта-кичик бўлсин, барча даражадаги раҳбарларнинг фидойилиги ва ҳалоллигига боғлиқ. Ҳозир, кеңирасизлар-у, айрим қиллоқ фуқаролар йиғинлари, муқобил машина трактор паркирига номуносиб кишиларни раҳбарликка қўйиш ҳоллари учрамоқда. Юртбошимиз илгари сурган

гояларни фуқароларга етказиш ва ўзи шу тамойиллар билан ишлаши керак бўлган кўйи бугун раҳбарлари зиммасида жуда катта масъулият бор, буни унутмаслик керак. Демак, депутатлик гуруҳларимиз жойларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ҳам ўз ваколатлари доирасида назорат қилиши, керак бўлса, бошқаларга иборат бўлиши даркор.

Раиймберган САБУРОВ,
вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Концепциядан келиб чиқадиغان вазифаларни партиянинг барча бошланғич ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимизда муҳокама қилаемиз. Бу борада йўналишлар белгиланаяпти. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда партия кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотларининг амалий иштироки зарур. Бу борада йўналишлар белгиланаяпти. Депутатлик гуруҳларимиз маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссияларида партия электорати манфаати билан боғлиқ ижтимоий ўткир масалаларни қўриб чиқиши бўйича қатор ташаббусларни ҳам илгари сурди. Айни пайтда билдирилган барча таклифларни инобатга олган ҳолда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бандлик дастурининг ижросини таъминлаш ҳамда бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ташаббуси билан чиқиш керак. Шу бўйича муқобил лойиҳалар тайёрлаш зарур. Бугун

ҳаётнинг ўзи муқобил ва рақобатбардош лойиҳаларни талаб этапти.

Бундан ташқари, депутатлик гуруҳлари томонидан янги иш ўринлари яратиш ва партия электорати манфаатларига оид ижтимоий дастурлар бажарилиши устидан доимий жамоатчилик назорати ўрнатиш, уларнинг сўзаси ижро этилишига таъсир кўрсатиш энг самарали йўлдир.

Хайрулла РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Биз барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз керак. Электрат манфаати билан боғлиқ муаммо ва таклифлар фракцияга етказиб турилса, қонунлар лойиҳалари муҳокамаси жараёнида биз уларни акс эттириш учун курашамиз. Муаммонинг ҳам маҳаллий Кенгашлар, ҳам Олий Мажлис даражасида кўририлиши, албатта, унинг ечимига хизмат қилади.

Юқоридеги каби фикр-мулоҳазалар Хоразм вилоят партия кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида ҳам ўртага ташланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Айниқса, жойларда мавжуд муаммолар ечим бўйича муқобил лойиҳалар тайёрлаш таклифи барчада катта қизиқиш уйғотди. Бу борада ҳам тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Танқиддан сўнг...

«Беғамликнинг оқибати қимматга тушади»

■ Газетамизнинг 2010 йил 4 декабрь сониде шу номли мақола чоп этилган эди. Унда ЎЗХДП Навбахор, Учқудуқ, Томди ва Нурота туман партия кенгашлари раҳбарлари ҳалигача боқибегамлик кайфиятидан чиқиб кета олмаётгани танқид қилинган эди. Айниқса, Навбахор туман партия кенгашида сусткашлик, бошланғич ташкилотлар билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳининг ташаббусизлигини қандай баҳолаш ҳақида сўз борганди. Ушбу мақола юзасидан таҳририятга жавоб келди.

ман партия ташкилотларида юзага келган ахволни бартараф этишга қўмақлашиш учун тажрибали фаоллардан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Ҳозир жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар билан бирга, туман партия кенгаши аъзолари, бошланғич ташкилотлар раислари, вилоят партия кенгаши масъул ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишда газета ҳақиқатан ҳам долзарб масалага эътибор қаратгани таъкидланди. Сайловлар ўтганига бир йил бўлса-да,

депутатлик гуруҳи ташаббуси билан бирон-бир масала туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилмаган. Ваҳоланки, туманда партияимиз электорати манфаатлари билан бевосита боғлиқ қатор ижтимоий масалалар мавжуд.

Туман партия кенгаши раиси ўринбосари Умурызқў Хўжаев, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Тўлқин Аҳмедов ва бошқа фаоллар сўзга чиқиб, партияимиз ишларни тубдан кўчатириш, депутатларнинг ташаббускорлигини ошириш, ўзлари сайланган ҳудудларда аҳоли вакиллари билан мунтазам ишлаш бўйича амалий таклифлар киритишди.

Ижтимоий шериклар билан алоқани мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатини ҳимоя қилиш бўйича турли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кўчатириш, улар билан ишлашнинг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз юритишди. Фикрлар, таклифлар ўртага ташланди.

Йиғилишда уларнинг барчаси ҳисобга олинди, тегишли қарор қабул қилинди. Янги йилнинг ҳар чорага яқини бўйича туман партия кенгаши ижроия кўмитаси томонидан депутатлик гуруҳининг ахборотини эшитиб боришга келиши олинди.

ЎЗХДП Навой вилоят кенгаши раиси Ш.Умаров»

Хорижда Мудофаа вазирлари учрашуви

Пекинда Хитой давлат котибияти аъзоси, мудофаа вазир Лян Гунле ва Пентагон раҳбари Роберт Гейтсларнинг расмий учрашуви бўлиб ўтди.

Унда томонлар армиялар масаласида ўзаро келишув имзоладилар. Унга кўра қурайли кучларда ишлатилаётган инновациялар технологиялар бўйича тажриба алмашинув, нейтрал ҳудудларда қуроллар синовини таққиллаш ва бошқа йўналишларда бир тўхтама келинди.



Боинг-727 ҳалокатга учради

Эрон ҳаво йўлларига тегишли Техрондан гарбий Озарбойжон вилояти маркази Урмия (Эрон) шаҳрига парвоз қилган Боинг-727 самолёти ҳалокатга учради.

Бортида жами 105 йўловчи бўлган самолёт қолдиқлари орасидан ҳозиргача 77 нафар кишининг мурдаси топилди. Мутахассислар лайнердаги қора кўтини ўрганиб, ҳалокатга ноқулай об-ҳаво сабаб бўлган, деган хулосага келишган.

Тўқнашувлар авж олмоқда

Сўнгги бир кун давомида Тунисда юз берган полиция ва маҳаллий ёшлар ўртасидаги тўқнашувда 14 киши ҳалок бўлди.

Тўрт ҳафта олдин озиқ-овқат маҳсулотлари таннарининг ошиши туфайли бошланган тинч норозилик намойишлари оммавий тартибсизлик кўринишини олди.



Кема бортида ёнғин

Жанубий Корея қирғоғи яқинида кема ёниб кетди.

Камбоджа байроғи остида ҳаракатланаётган юк кемаси бортида содир бўлган ёнғиндан тўрт нафар денгизчи қурбон бўлди, беш нафари эса қочиб, жон сақлашга улгурган. Ёнғин Жанубий Кореянинг энг йирик денгиз порти Пусандан икки мил нарида содир бўлди.

Дарёлар ўзанидан чиқиб кетди

Тинимсиз ёмғир ёғиши ва қалин қорнинг эришидан Германиядаги дарёлар сатҳи кенгайиб, баъзи худудлар сув остида қолди.

Рейн ва Мозел дарёлари туташувчи ҳудудда жойлашган Кобленц шаҳарчасида сувнинг баландлиги 11 метргача етди. Баъзи маълумотларга кўра жабр қурганлар ва қурбонлар сони ортиб бормоқда. Дарёларда кемалар қатнови буткул тўхтатилди. Метеорологларнинг таъкидлашича, яқин бир ҳафта ичида вазият ўзгармаслиги мумкин.



Ҳалокат устида қурилаётган иншоот

Тожикистонда қурилаётган Роғун ГЭСи нафақат Марказий Осиё, балки дунё табиатига ҳам ҳалокатли таъсир этиши мумкин

(Давоми. Боши 1-бетда.)

■ Сув — ҳаёт манбаидир. Ваҳшнинг куйи оқимидagi фақат қишлоқ хўжалиги ҳисобига кун кўрувчи Тожикистоннинг 16 та туманида бир миллиондан ортиқ аҳоли яшаши ҳисобга олинса, уларни кўчириш ёки мунтазам озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси пайдо бўлади. Бундан ташқари, Роғун сейсмик ўзгарувчан ҳудуддир. Буни била туриб, 350 метрли платина кўтариш нафақат Тожикистон, балки Марказий Осиё давлатлари учун ҳам ўта хатарлидир.



Ҳисоб-китобларга қараганда, Роғун гидроузели қурилган тақдирда ҳам 30 фоиз зарар билан ишлар экан. Ҳукумат бу ишга 6 миллиард сомони (1,3 миллиард доллар) сарфлашишни хомчўт қилмоқда. Бу эса тез орада фойда бермаслиги аниқ. Натижада мажбуран акция сотиб олганлар зиён кўриши турган гап.

— Зилзила инсонлар ҳаётига зомин бўлиши баробарида йирик талафотларни ҳам келтириб чиқаради, — дейди географ фанлари номзоди, доцент Қилич Алланов. — Утган асрда Марказий Осиёда 80 дан ортиқ кучли ер силкинишлари юз берган. Ашхобод, Қашқар, Шимолий Тянь-Шан, Красноводск, Тожикистон, Қайроққум шулар жумласидан... Кўриниб турибдики, минтақамизда бундай табиий офатлар тез-тез рўй беради. Шу боис, тоғли ҳудуд — Роғунда бунёд этилаётган йирик иншоотни фалокат устида қурилаётган иморат дейиш мумкин...

чуқур ўйлаб кўриш талаб этилади.

— Президентимиз Ислам Каримов 2010 йилнинг сентябрь ойида БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқида бу масалага яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди, — дейди сиёсатшунос Ҳаким Расулов. — Юртбошимизнинг нутқида кўтарилган долзарб масалалар нафақат минтақамиз давлатлари аҳолиси, балки бутун инсониятнинг келажак тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, экологик муаммолари чегара билмайди. Тобора қуриб бораётган Орол денгизидан кўтарилаётган чанг-тўзон ва туз узоқ-узоқларга етиб боргани, Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган захарли тутунлар Сурхон воҳасининг шимолий ҳудудларида экологик мувозанатни издан чиқараётгани бунга яққол мисолдир.

— Марказий Осиёдаги дарёлар жуда нотекис жойлашган, — дейди қишлоқ хўжалик ходими Исмоил Саидхмедов. — Ҳудуднинг 70 фоизга яқини энгаллаган текисликларда оқар сувлар кам учрайди. Тоғлардан тушадиган дарёларга эса ирмоқлар қўшилмайди. Аксинча, уларнинг асосий қисми экинлари сугоришга сарфланади, булғанади ҳамда ер остига сингиб кетади. Шу сабабли, дарёларнинг кўпчилиги маълум бир жойга қўйилмасдан тугайди. Минтақадаги йирик Амурдарё эса бир неча юз километр масофадаги чўллардан оқиб ўтиб, Орол денгизигача борган...

Марказий Осиё мамлакатлари орасида худуднинг деярли 90 фоизга тоғлардан иборат мамлакатлардан бири Тожикистон Республикасидир. Энг сер-

сув ва катта Амурдарё ҳам қўшни ўлкадан бошланади. Панж ва Вахш қўшилишидан ҳосил бўлган бу дарёнинг 83 фоиз суви Тожикистон, 17 фоизи эса Ўзбекистондаги Сурхондарё ва Қорасув қўйилишидан ҳосил бўлади. Унинг ҳавза майдони 199 минг 350 кв.км.ни ташкил этади. Хавзанинг 30 фоизи денгиз сатҳидан 4 минг метр баландда жойлашган. У музлик ва қор сувларидан тўйингани боис, йиллик об-ҳаёт миқдори кам ўзгаради.

2008 йилда Тожикистонда Сангтўда ГЭСи ва сув омбори ишга туширилган эди. Натижада Амурдарёнинг қуйи оқимда кучли сув танқислиги юзага келди. Бу эса, айниқса, Сурхондарё вилоятининг қишлоқ хўжалигига салбий таъсир етказди.

— Узуи ва Сарисий туманларининг чегарадод худудларидаги ер майдонлари, томорқалар асосан Амурдарё суви билан сугорилади, — дейди «Тожикистон» маҳалласида яшовчи Боймурод Жўраев. — Утган йилларда сув тақчиллигидан халқимиз азият чеқди. Кўп йиллик мевали дарахтлар қуриб кетди.

— Икки, уч йилдики сув муаммо, — қўшимча қилади шу маҳаллада яшовчи Носир Ташматов. — Бу, айниқса, пахтакорларга ташвиш келтирмоқда. Айни ёз чилласида сувга қонга мўлжал қўйилган ҳосил олиб бўлармиди?..

Роғун тўғони қурилаётган ҳудудда йиллар давомида ерости гидрогеологик ҳолатининг ўзгаргани табиий ҳол, — дейди географ олим Ҳусан Абдуназаров. — Бу ерда қайта геологик қидирув ишларини мукамал бажармасдан туриб, қурилишни бошлаш тузатиб бўлмас фалокатларни келтириб чиқариши мумкин. Бундан таш-

қари, у тектоник синиқ чиқиқ-қўшни ўлкадан бошланади. Кутилмаганда 9-10 балли ер силкиниш хавфи юқори. Агар шундай дахшатли воқеа рўй берса, 350 метр баллида қуриш тўғон вайрон бўлиши ва бунинг оқибатини кўз олдимизга келтиришининг ўзи дахшат...

Яна бир масала: 1911 йилда Помир тоғларидаги Мурғоб дарё водийсида жойлашган Сарез қишлоғида содир бўлган 7-8 балли зилзила натижада дарё ўзани тўсилиб, бугунги Сарез қўли ҳосил бўлган. Айни кунларда унда 17 куб.км сув мавжуд. Роғун тўғонида эса 19 куб.км сув йиғилиши мўлжалланган. Худудда фалокат юз берса, нафақат Вахш водийсида яшовчи аҳоли, балки Ўзбекистон, шимолий Афғонистон, Туркменистон давлатининг катта қисмидаги миллионлаб халқларнинг ёстиғини қуритиши мумкин... Бу эса нафақат ўз унинг бузиш, балки қўшилган ҳам тажовуз қилиш билан баробар эканини наҳотки, қўшни давлат раҳбарлари ўйлаб кўришмаган бўлса?

Ушбу қурилиш Амурдарё хавзасидаги экотизимларда биологик тақчилликнинг бошланишига сабаб бўлади. Бу эса биоценозлар алмашинуви кучайишига ва унинг кўламидан ортишига сабаб бўлади.

— БМТнинг «Атроф-муҳит ва ривожланиш» буйича 1992 йил Риоде-Жанейро шаҳрида ўтказилган конференциясида таъкидланганидек, биологик хилма-хилликни сақлаш XXI асрнинг бош масаласи ҳисобланади, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Сайфулло Турсунов. — 2002 йил Йоханнесбург шаҳрида ер қуррасидаги умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий биологик хилма-хилликни йўқотишларни 2010 йилгача кескин камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Мазкур масала буйича Тожикистон Республикаси ҳам Халқаро конвенцияга аъзо мамлакатлар қатори талай мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Аммо қўшни мамлакат раҳбарияти жисмоний ва маънавий эскирган лойиҳа — Роғун ГЭСи қурилишини давом эттиришга уриниши билан зиммасидаги вазифани буткул унутди.

Мутахассислар фикрларидан яна бир бор кўриниб турибдики, Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ масалага лоқайд қараб бўлмайди. Гап миллионлаб одамларнинг турмуши, ҳаёт-мамоти ҳақида бормоқда.

Абдумалик Ҳайдаров, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ушбу муаммоларни ҳал қилишда биологик тақчилликнинг бошланишига сабаб бўлади. Бу эса биоценозлар алмашинуви кучайишига ва унинг кўламидан ортишига сабаб бўлади.

— БМТнинг «Атроф-муҳит ва ривожланиш» буйича 1992 йил Риоде-Жанейро шаҳрида ўтказилган конференциясида таъкидланганидек, биологик хилма-хилликни сақлаш XXI асрнинг бош масаласи ҳисобланади, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Сайфулло Турсунов. — 2002 йил Йоханнесбург шаҳрида ер қуррасидаги умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий биологик хилма-хилликни йўқотишларни 2010 йилгача кескин камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Мазкур масала буйича Тожикистон Республикаси ҳам Халқаро конвенцияга аъзо мамлакатлар қатори талай мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Аммо қўшни мамлакат раҳбарияти жисмоний ва маънавий эскирган лойиҳа — Роғун ГЭСи қурилишини давом эттиришга уриниши билан зиммасидаги вазифани буткул унутди.

Мутахассислар фикрларидан яна бир бор кўриниб турибдики, Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ масалага лоқайд қараб бўлмайди. Гап миллионлаб одамларнинг турмуши, ҳаёт-мамоти ҳақида бормоқда.

Абдумалик Ҳайдаров, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«БЭМ» — бухгалтерга электрон мадад лойиҳаси томонидан ишлаб чиқилган «БЭМ-инфо» янги информацион-ҳуқуқий қидирув дастури тақдими ҳам бўлиб ўтди. Мазкур дастурда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган 20 мингдан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат жойлаштирилган. Мазкур дастур орқали зарур ҳужжатларни қисқа фурсатда қидириб топиш ва фойдаланиш мумкин.

Тадбирга таклиф қилинган пойтахтимиз ҳамда Тошкент вилоятида фаолият юритувчи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари-нинг қизиқтирган барча саволларга Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ходимлари томонидан батафсил маълумотлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрларига оид қарори ушбу йўналишдаги ишлар самардорлигини янада оширишга хизмат қилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан пойтахтимизда ташкил этилган кўргазмалари семинар мазкур қарор асосида жорий этилган солиққа оид янгилик ва имтиёзларга бағишланди.

Кўргазмада солиқ соҳасига киритилган янгиликлар намойиш қилиниб, соҳа ходимлари томонидан тадбиркорларга ахборот-маслаҳат хизматлари, информацион тарқатма материаллар ва тегишли қўлланмалар тақдим қилинди.

Кўргазмалари семинар давомида, шунингдек,

Юртбошимиз томонидан 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги илгор гоъларни, пухта бизнес-режални лойиҳаларни қулай шартларда молиявий қўллаб-қувватлашга тайёр!


Агробанкнинг исталган шаҳар ва туман филиалларига мурожаат қилиб бизнесдаги муваффақиятларга эришинг.

Сиз «Агробанк»нинг марказий аппаратида мавжуд қуйидаги ишонч телефонларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фойлантингизга тааллуқли масалалар буйича мурожаат қилиш имконига эга:

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси	— 150-53-58
Банкнинг инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бошқармаси	— 150-85-23
Саноат ва истеъмол бозорини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси	— 150-53-93
Қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси	— 150-85-18

«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик гоъларининг молиявий таянчи!

Ватан ҳимояси — олий шараф



Аскарлик бурчи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Қўл жанги буйича Республика биринчилигида совриндор бўдим, — дейди оддий аскар Муроджон Долимов. — Менга спорт устаси унвони берилди.

Харбий қисмда шартнома буйича хизмат ўтаётган аёлларни ҳам учратдик. Оддий аскар Маҳфузахон Алиева асли Наманганнинг Поп туманидан бўлиб, ҳаётини харбий хизматга бағишлабди. У алоқа аълочиси. Қисмда ҳамма Маҳфузани ҳурмат қилади.

— Акам харбий хизматчи эди. У уйга келганида кий-

имларига ҳавас қилардим. Ўшандан меҳрим тушган бу касбга, — дейди шартнома буйича хизмат қилаётган оддий аскар Ферузахон Маҳинова. — Мана, харбий хизматни ўтаётганимга ҳам олти йил бўлди. Ҳаётимни бу ердаги дўстларимиз тасаввур қила олмайдим.

Шу пайт харбий қисм саф майдонида аскар офицерлар саф тортиди. Улар шахдам қадам ташлаётганда куйлаган она Ватан ҳақидаги жанговар қўшиқ узоқ-узоқларга таралди...

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодийёт

Кончилар дастурхонига

«Навоий кон-металлургия комбинати»га қарашли «Дўстлик» агрофирмаси ишчилари кончиларни сархил ноз-неъмат, сифатли гўшт ва сўт маҳсулотлари билан узоқ таъминлаб келаяпти.

2010 йилда агрофирма жамоаси минг тонна олма ва ўрик, 400 тонна узум, 1,5 минг тонна сут ҳамда сут маҳсулотлари, 120 тонна гўшт тайёрлашди. Чорвачилик тармогининг ўзидан қарийб 3 миллиард сўм даромад қилишди. Агрофирмада барча соҳа механизациялашган ва жаҳон андозаси даражасида қайта ишлаш технологиясига ўтилган. Мева ва узумни қайта иш-

лаш саноати помидор шарбати ва пастаси ишлаб чиқариш тизими, сут ва гўштни қайта ишлаш ҳамда қадоклаш ишлари илгор технология асосида йўлга қўйилган.

— Киш мавсумида 2 гектар майдондаги иссиқхона хўжалигидан камида 40 миллион сўм даромад қилишни мўлжаллаганимиз, — дейди «Аромастройкомплект» гўшт тайёрлашди. Чорвачилик тармогининг ўзидан қарийб 3 миллиард сўм даромад қилишди. Агрофирмада барча соҳа механизациялашган ва жаҳон андозаси даражасида қайта ишлаш технологиясига ўтилган. Мева ва узумни қайта иш-

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Солиқ янгиликларига оид кўргазма

ҚАДРЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Юртбошимиз томонидан 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги илгор гоъларни, пухта бизнес-режални лойиҳаларни қулай шартларда молиявий қўллаб-қувватлашга тайёр!

Агробанкнинг исталган шаҳар ва туман филиалларига мурожаат қилиб бизнесдаги муваффақиятларга эришинг.

Сиз «Агробанк»нинг марказий аппаратида мавжуд қуйидаги ишонч телефонларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фойлантингизга тааллуқли масалалар буйича мурожаат қилиш имконига эга:

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси	— 150-53-58
Банкнинг инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бошқармаси	— 150-85-23
Саноат ва истеъмол бозорини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси	— 150-53-93
Қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси	— 150-85-18

«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик гоъларининг молиявий таянчи!

Футбол



XV Osiё чемпионати: Илк ўйин, илк галаба

Ўзбекистон миллий терма жамоаси дастлабки учрашувда Қатар футболчиларини мағлубиятга учратди

7 январь оқшомида Дохадаги мухташам «Халифа» стадионида XV Osiё чемпионати таънавали очилиш маросими бўлиб ўтди. Қитъанинг маъзур мусобақасини бошлаб берувчи илк учрашувда мезбонлар — Қатар ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўзаро куч синашди. Аввалига иктидорли ярим ҳимоячи Одил Аҳмедов ўзининг бетакрор зарбаси билан мезбонлар дарвозасини ишғол этган бўлса, сўнгра Ўзбекистоннинг ўтган мавсумдаги «Энг яхши футболчиси» номинацияси совриндори Сервер Жепаров ҳамюртларимизнинг ишончли галабасини таъминлади — 2:0.

Дастлабки учрашув ва галабадан сўнг, бош мураббий Вадим Абрамов журналистларга қуйидагича интервью берди: — Илк ўйинни галаба билан бошлаб олганлигимиздан хурсандман. Лекин бу ўйин энди тарихга айланди. Уни кўп ҳам кўкларга кўтаравермасдан янги вазифалар билан шугулланиш керак. Олдинда Кувейт ва Хитой каби бир-биридан жиддий терма жамоаларга қарши ўтадиган ўйинлар кўтиб турибди. Мақсадимиз уларда ҳам мухлисларимизга манзур бўладиган футбол намойиш этишдир.

«А» гуруҳидаги иккинчи ўйинда Кувейт — Хитой терма жамоалари ўзаро рўбарў келишди. Унда Чин юрти вакиллари 2:0 ҳисобида зафар кучишди.

12 январь куни гуруҳдаги иккинчи тур учрашувда Ўзбекистон терма жамоаси кувейтликларга қарши майдонга чиқади. Шу куни Хитой — Қатар терма жамоалари учрашди. Қуръага кўра, ҳамюртларимиз кейинги босқичга йўллангани кўлга киритишса, «плей-офф» баҳсида «В» гуруҳи ва бонлар — Қатар ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўзаро куч синашди. Бу гуруҳнинг биринчи тур ўйинларида Япония вакиллари Иордания терма жамоасига қарши кечган баҳснинг сўнгги дақиқаларида мағлубиятдан зурга қутулиб қолиши — 1:1. Саудия Арабистони — Сурия футболчилари учрашувда эса 1:2 ҳисоби қайд қилинди. Бу эса чемпионатнинг илк «шов-шув»ларига сабаб бўлди.

Кеча «С» гуруҳининг дастлабки тур баҳслари бўлиб ўтди: Хиндистон — Австралия (0:4) Жанубий Корея — Баҳрайн.

Бугун «Д» гуруҳида бўладиган КХДР — Бирлашган Араб Амирликлари, Ироқ — Эрон терма жамоалари учрашуви билан дастлабки тур ўйинлари ўз низоҳасига етади.

ОФК ҳакамлар департаментининг қарорига кўра, Ироқ — Эрон футболчилари ўртасида ўтказиладиган учрашувни ўзбекистонлик ҳакамлар гуруҳи бошқаради. ФИФА рефериси Равшан Эрматов мазкур ўйиннинг бош ҳаками этиб тайинланган бўлса, лайнсмэнлар Абдухамид Расулов ҳамда Рафазэл Илбосовлар унга кўмаклашади. Яна бир иктидорли ҳакамимиз Валентин Коваленко эса захирадаги ҳакам сифатида фаолият кўрсатади.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

Эртанги кун бизники, марра бизники


■ Сакина МУҲАМЕД-ЖАНОВА 1988 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Дастлаб пойтахти-миздаги 76-мактабда, кейинроқ лицейда расомчилик йуналишида таҳсил олган. Тасвирий санъат бўйича ўтказилган бир қатор республика ва халқаро кўрик-танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган. Хусусан, Ҳиндистоннинг Шанкар шаҳрида 100 дан ортиқ мамлакатлардан ташриф буюрган ёш мўйқалам соҳиблари ўртасидаги танловда кумуш медални кўлга киритган.

Шунингдек, у санъатнинг маъзур тури бўйича Япония, Миср ва Греция давлатларида бўлиб ўтган халқаро танлов ва кўрғазмаларда ҳам муваффақиятли қатнашган.

2005 йилда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомчилик ва дизайн институтига имтиёз асосида ўқишга қабул қилинган. 2006 йилда у институт залида графика жанридаги ижод намуналари асосида илк шахсий кўрғазмасини намойиш қилди.

2007-2008 ҳамда 2008-2009 йилларда, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг иктидорли талабалар учун стипендиялар дастури қолиби бўлди.

Истеъдодли мусаввир 2008 йилнинг 1-3 июль кунлари Тошкент фоточилар уйида «Ғоялар денгизи» деб номланган иккинчи кўрғазмасини ташкил этди. Унда ижодкор-



нинг графика, ранг-тасвир ва ёғоч ўймакорлиги йўналишларида яратган санъат асарлари ўрин олган эди. Айнан шу йили у Алишер Навоий номидаги Давлат стипендиясига муносиб кўрилди.

Ҳозирда институтнинг магистратура босқичида таҳсил олаётган Сакина санъатнинг яна бир жозиқали тури — ҳайкалтарошлик сир-асрорларини кунт билан ўрганмоқда. Бу борада унга Ўзбекистон халқ рассоми, таниқли ҳайкалтарош Равшан Миртожиев устозлик қилмоқда. 2009 йилда Москва шаҳрида ташкил этилган ёш ҳайкалтарошлар симпозиуми ва кўрғазма — танловиде юртимиз шарафини Сакина Муҳамеджанова муносиб ҳимоя қилди.

— Бир ой давом этган ушбу ўзига хос мусобақада ҳар бир иштирокчи ўз халқининг миллий урф-одат ва анъаналарини, асрий қадриятларини намойиш этадиган бронза ҳайкали яратиши керак эди. Ушунда эгнига бежирим шарқона либос кийган илк ўрта асрлардаги ўзбек раққосаси сиймосини яратганимиз. Мазкур композиция баҳо берган таниқли ҳайкалтарошлар ҳамда оддий санъатини ўзига жалб этди, — дейди Сакина.

Дарҳақиқат, Сакина 2008-2009 йилларда Москва танловиде ўз маҳоратини намойиш этган жами 30 та иштирокчи орасидан энг бетакрор ҳайкал муаллифи сифатида тақдирланган 4 нафар ғойибдан бири эди. 2010 йилда эса Белгия пойтахти Брюссель шаҳрида ўтказилган Ёш ҳайкалтарошлар кўрғазмасида ўз ижод намуналари билан қатнашди.

2010 — Баркамол авлод йилида ноёб қобилият соҳиб Сакина Муҳамеджанова «Маданият, санъат ва спорт» йўналишида Президент стипендиясига сазовор бўлди.

— Ҳозирги кунда устозим Равшан Миртожиев билан Камолитдин Бехзод ҳайкалини яратиш устиде илмий тадқиқот олиб бораётган, — дейди у. — Президентимиз айтганидек, эртанги кун бизники, марра бизники.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мактабга эътибор

Кўрик-танлов ғойиблари

■ Наманган вилояти бўйича ўтган 2010 йилда 5 та мактаб куриб, фойдаланишга топширилди, 9 та мактаб капитал реконструкция қилинди. 19 та мактаб мукаммал таъмирдан чиқарилди. Етти та мактабда спорт зали барпо этилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.



Вилоятда мавжуд 688 та умумтаълим мактаби ўртасида танлов эълон қилинган. Яқинда жорий ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги якуни бўйича кўрик-танлов якунланди.

«Энг обод таълим муассасалари», «Энг ҳамжихат мактаб жамоаси», «Энг миришкор таълим муассасалари», «Энг самарали ахборот технологиялари жорий этилган муассаса», «Энг маҳоратли мураббийлар мактаби» каби 16 номинация бўйича танлов ғойиблари вилоят ҳокимлиги томонидан кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

2011 — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йили биз мураббийлар учун янгича изланишлар даври сифатида кадрли, — дейди Минбулоқ туманидаги 13-ихтисослашган мактаб-интернат директори Матлуба Мадаминаева. — Бойси, мактабнинг амалиёт боғиде серҳосил экинларни нафақат тажриба учун эмас, балки кўшимча даромад олиш мақсадида етиштирамиз.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ.

Бокс бўйича жаҳон чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Рубат Рискйиевга вилояда муҳтарамаси

Тўраҳон ая ҚУДРАТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этамиз.

Бир гуруҳ дўстлари.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2011 йилда қуриладиган қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошлагич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚС билан млн.сўм	ҚҚСсиз млн.сўм	
1	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини капитал реконструкция қилиш (интенсив терапия бўлими операция блоқи билан, 60 ўринли терапия блоқи қурилиши, муҳандислик тармоқлари).	4207,133	3505,944	12 ой
2	Сурхондарё вилояти, Шеробод туман тиббиёт бирлашмасини капитал реконструкция қилиш (2-босқич).	2902,99	2419,158	11 ой
3	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги вилоят туғуруқхона комплексини капитал реконструкция қилиш	496,653	413,877	4 ой

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй, Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.
Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектурилиш» қўмитасининг қурилиш-таанлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, тел/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўпلام танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 — 150 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Қишда қулупнай



■ Андижон шаҳридаги «Голден фантазия» фирмаси Янги йил дастурхонига 400 килограмм атрофиде қулупнай етказиб берди. Жаҳон андозаларига мос қадоқланган, маҳсулотнинг сифатлиги эътиборингизни тортади.

Фирма жамоаси қулупнайни замонавий технологиялар асосида сақлаб, қадоқлаб, киш кунларида савдога чиқарди.

— Пештахтага қўйилган қулупнай харидорларга манзур бўлди, — дейди сотувчи Улугбек Шокиров. —

Шунинг учун айтсалар керак, «қаловини топса қор ҳам ёнади» деб.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО 11-12.01. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 0°C	☀️ 2°C
Самарқанд	☀️ 0°C	☀️ 5°C
Нукус	☀️ -2°C	☀️ 3°C
Қарши	☀️ 5°C	☀️ 10°C
Урганч	☀️ -2°C	☀️ 3°C
Навоий	☀️ -3°C	☀️ 2°C
Фарғона	☀️ -2°C	☀️ 3°C
Бухоро	☀️ -3°C	☀️ 2°C
Андижон	☀️ -2°C	☀️ 3°C
Наманган	☀️ -2°C	☀️ 3°C
Термиз	☀️ 5°C	☀️ 10°C
Жиззах	☀️ 0°C	☀️ 5°C
Гулистон	☀️ 0°C	☀️ 5°C
Тошкент вил.	☀️ 0°C	☀️ 5°C
Лондон	☁️ -1°C	☁️ -3°C
Париж	☁️ -1°C	☁️ -2°C
Москва	☁️ -12°C	☁️ -14°C
Мадрид	☀️ 0°C	☀️ 1°C
Пекин	☀️ 2°C	☀️ 3°C
Гонгконг	☀️ 10°C	☀️ 9°C
Рим	☀️ 5°C	☀️ 6°C
Анкара	☀️ 7°C	☀️ 9°C
Токио	☀️ 6°C	☀️ 5°C
Стокгольм	☀️ -9°C	☀️ -8°C
Кейптаун	☀️ 10°C	☀️ 9°C
Қоҳира	☀️ 7°C	☀️ 6°C
Гавана	☀️ 10°C	☀️ 12°C
Вашингтон	☀️ -2°C	☀️ -3°C

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- | | | |
|----------------------|-----------------------------|-----------------------|
| Abdulla ORIPOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | Musihiddin MUHIDDINOV |
| Latif G'ULOMOV | Tat'yana KISTANOVA | Andrey KUSTOV |
| Bobir ALIMOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Andrey KUSTOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | G'afvor HOTAMOV | Ochilboy RAMATOV |
| Murodulla ABDULLAYEV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Saidahmad RAHIMOV |

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 149 19432 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 21.20. Topshirilgan vaqti — 23.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: To'liqin TO'RAHONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5